

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК  
БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, маданият ва санъат соҳаси вакиллари учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1-йй манзилда жойлашган бино ва иншоотларни тегишли ҳудуди билан биргалиқда (кейинги ўринларда обьект деб юритилади) оператив бошқариш хукуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига бепул бериш түғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳри ҳокимлиги обьектни бир ой муддатда белгиланган тартибда топширсин, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қабул қилиб олсин ҳамда обьектни сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Асака» акциядорлик тижорат банкини банкларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бинога жойлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш түғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарори матнининг **9-бандидаги** «Мустақиллик майдони, 5-уйда» сўzlари «Тарас Шевченко кўчаси, 1-уйда» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмасини мақбуллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари түғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463-сон **қарорининг** 8-банди ҳамда унга 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов, Тошкент шаҳри ҳокими Р.Ж. Усмонов ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.С. Сайфуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 октябрь,  
ПҚ-3337-сон

(Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.10.2017 й., 07/17/3337/0135-сон)